



2018-YIL 25-AVGUST SHANBA

www.yoshlarovozi.uz
E-mail: yoshlarovozi@uamail.uz

99 (16256)

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

Сайтмига ўтти учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

YOSHLAR OVOZI

ОРОЛ МУАММОСИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ БЎЙИЧА МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан 24 август куни Туркманбоши шаҳрида бўлиб, Оролни кутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлисида иштирок этди.

Президентимиз дастлаб «Аваза» сайёҳлик зонасида Туркменистон Президенти билан учрашди.

Бугунги кунда Ўзбекистон – Туркменистон муносабатлари юксак сурат билан ривожланимоқда. Бунақа, аввало, икки давлат раҳбарларининг самимий дўстлиги, ўзаро ишончи ва бир-бирини қўллаб-қувватлаши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Олий даражадаги учрашувларнинг мунтазамлик касб этгани давлатлараро муносабатлар юксак даражада эканидан далолатдир. Жумладан, Туркменистон

раҳбарининг жорий йил апрель ойда Ўзбекистонга давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликка янги суръат бағишлади.

Ўзбекистон ва Туркменистон раҳбарларининг бу гагли учрашуви ўзаро манфаатли, самарали ва фалол мулоқотларнинг мантикий давоми бўлди.

Шавкат Мирзиёев Туркменистоннинг Оролни кутқариш халқаро жамғармасига раислиги давридаги ташаббусларини юқори баҳолаб, мамлакатларимизнинг бу бордаги лойиҳа ва савий-ҳаракатлари бир-бирини тўлдирганини қайд этди.

Гурбангули Бердимухамедов давлатимиз раҳбарини Туркменистонга ташрифи билан кутгаб, Оролни кутқариш халқаро жамғармасининг таъсисчи мамлакатлари раҳбарлари саммити ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама ҳамкорликни муҳокама қилиш учун қўлай им-

коният эканини таъкидлади.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди. Аввал эришилган келишувлар ижросига эътибор қаратилди. Томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Оролни кутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгашининг мажлиси Президентларнинг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов, Қозғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон иштирок этди.

(Давоми 2-саҳифада)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТУРКМЕНИСТОННИНГ ТУРКМАНБОШИ ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТГАН ОРОЛНИ КЎТҚАРИШ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАСИ ТАЪСИСЧИ ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Мухтарам Гурбангули Маликгулиевич!

Ҳурматли давлат раҳбарлари!

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Авваламбор, ҳурматли Гурбангули Маликгулиевичга меҳмондўстлик ва бугунги саммит Туркменистон гавҳари бўлган гузал «Аваза» сайёҳлик зонасида юксак даражада ташкил этилгани учун самимий миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Ўзбекистон Туркменистоннинг Оролни кутқариш халқаро жамғармасига раислик фаолиятини юксак баҳолайди.

Туркменистонлик дўстларимиз томонидан ўшбу серкирра тузилма фаолиятини ривожлантириш ва

такомиллаштириш, унинг халқаро нуфузини ошириш бўйича катта амалий ишлар олиб борилмоқда.

Ишончим комилки, Жамғарма асосчилари бўлган давлатлар раҳбарларининг қарийб ўн йиллик танаффусдан кейин ўтаётган бугунги тарихий мажлиси мазкур ташкилот фаолиятида янги саҳифа очди, Марказий Осиё минтақасидаги ўзаро ҳамкорликни янги бошқича кўтарди.

Бугун барчамиз туркман заминидан ўзаро манфаатли ҳамкорликка тайёр эканимизни яна бир бор қатъият билан тасдиқлаймиз.

Ҳеч шубҳасиз, Орол денгизининг қуриши муаммоси бизнинг мин-

тақавий фаолиятимиз кун тартибиде алоҳида ўрин тутди – бу бизнинг умумий фожиамиздир. Унинг салбий оқибатлари, афсуски, тобора чуқурлашмоқда.

Оролбўйи ҳудудини у ерда пайдо бўлган саҳро эгаллаб олмоқда.

Оқибатда биз сув ресурслари тақчиллиги, ичимлик суви сифатининг ёмонлашуви, туپроқнинг деградацияга учраши, биохилма-хилликнинг кескин камайиши, жиддий иқлим ўзгаришларини яққол сезиб турибмиз.

Шу муносабат билан бугунги учрашувимиз ғоят муҳим аҳамиятга эга.

(Давоми 2-саҳифада)

МУСТАҚИЛЛИК

27 йил

MUSTAQILLIK MENING TAQDIRIMDA



ЖОНИМ ИЧРА ЖОНИМСАН

Ватан ва мустақиллик... Бу тушунчалар ҳар куним, ҳар дақиқамга айланган, десам муболага бўлмайди.

Болалигимдан отамга ҳавас қилиб, ҳарбий бўлишни мақсад қилганман. Оруларим амалга ошиб, Чирчиқ олий танк командир-муҳандислик билим юртига ўқиш кирдим. У ерни аъло баҳолар билан тамомладим. Укам ҳам менга эргашиб, шу касбни танлади.

Юртбошимиз ташаббуси билан биз, ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзоларига яратилаётган имконият ва имтиёзлар соҳа вакилларига бўлган улкан эътибор намунасидир.

Хусусан, Президентимизнинг жорий йил 14 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Қуроли кўчлари ҳарбийлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига биноан ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларини олий таълим муассасаларига қабул қилишда алоҳида давлат гранти квотаси ажратилгани қувонарли янгилик бўлди.

Ватанга бўлган муҳаббатни инсон амалий ишлари билан намоён қилиши керак. Юрт тақдир, ҳимояси ҳар нарсадан муҳимдир. Осмонимиз мусоффолиги, мамлакат тинчлиги йўлида хизмат қилиш ҳар бир йигитнинг бурчи. Шоириларимиздан бири бежиз таъкидламаган:

Қон асли ёруғлик,
Ёруғдан, тиз чўк,
Асл мард Ватанга тиз чўкиб ўтар.
Қанча қонинг бўлса —
Ватан учун тўк,
Қанча шонинг бўлса —
Ватанини кўтар!

Мустақиллик тақдиримда улкан аҳамият касб этди. Унинг соясида туғилдим, вояга етдим, улгайдим. Ҳар гал урушининг ғувози бўлган кекса отахон онахонлар билан суҳбатлашганимда ҳозирги ёруғ кунларга шукр қиламан.

Ҳеч бир давлатда ўзбекикидек меҳрни топа олмайсиз. Меҳнатига яраша рағбат ҳам, ёрдамга муҳтоб бўлганда қўмаклашиш ҳам, ўзгача меҳмондорчилиги, иззат-қиром ҳам ўзбекларга хос. Мен жаннатмакон юрда туғилганим, шу диёр фарзанди бўлганимдан фахрланаман. Сўнгги нафасимгача унга хизмат қилишга қасамёд қиламан!

Мустақилликка осонликча эришганимиз йўқ. Унга етгунча ота-боболаримиз не кунларни кўрмади?! Бугунги фаровон ҳаёт учун жон-жаҳди билан курашди. Аждодлардан қолган меросни келажак авлодга етказиб беришга барчамиз бирдек масъулмиз.

Ўқтам СОТИБОДИЕВ,
катта лейтенант

ESHITDINGIZMI?



ASSITEJra қабул қилиндик

Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театри Халқаро болалар ва ўсмирлар театрлари ассоциацияси — ASSITEJra расман қабул қилинди.

Ассоциациянинг мамлакатимиздаги миллий маркази маҳаллий театрларнинг хорижий ташкилотлар билан алоқаларини йўлга қўйиш, уларга малакали чет эллик мутахассисларни жалб этишга қўмаклашиб, ёш томошабинлар учун мўлжалланган театр жомаларининг халқаро лойиҳалар, фестиваллар ва ижодий сафарларда иштирокини таъминлайди.

90 НУРОТАда

инновацион чўл лабораторияси ташкил этилади

Инновацион ривожланиш ва зирдлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг чўл ҳудудларини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, мамлакатимизнинг чўл ва сув танқис ҳудудларида «Яшил чўл лабораторияси» ташкил этилади. Лойиҳа орқали ҳудудларда чўл ўсимликлари турларини кўпайтириш, ҳайвонот дунёсини ортага қайтариш, қоракўлчилик учун озуқа базасини яратиш, биохилма-хилликни ошириш кўзда тутилган. Биринчи лаборатория Нурота туманида фаолиятини бошлайди.



ACSHNIQTOSH

БОШИ ҚОТГАН АВЛОД нега фарзандларимизга маънавий ориентир бера олмаяпмиз?

Охирги йилларда ёшларга оид давлат сиёсати доирасида амалга оширилган улкан ишлар силсиласида, айниқса, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилганидан кейин яратиб берилган мислсиз имкониятлар фониде баркамол шахс тарбиясидаги нуқулқилар янаям яққол намоён бўла бошлади.

Давлатимиз ёшларни бошига чиқариб қўйган (ижобий маънода, албатта). Баъзи ҳолларда моддий рағбат ва қўмак маънавийсидан ошиб тушмоқда. Эътироз йўқ – эҳтимол, давр талабидир, эҳтимол, шу усул самаралироқдир. Айни дамда бизни бошқа масала хавотирга солмоқда: кадриятлар тизимидаги издан чиққан бўғинларни жой-жойига қайтара олармиканмиз?

3-саҳифада ўқинг

MUNOSABAT

БЕФАРҚЛИК — ИЛЛАТ

Сардор акани (исми узгартирилган) талаба-ликдан билардим. Кейинчалик бир тахририятда ишлай бошладик. У ҳеч кимга қўшилмас, бирон марта кулмас, ҳатто тушиққа ҳам чиқмасди. Биласан, пулни тежар экан.

Мен ҳам бола парвариши бўйича таътилга чиқдим. Орадан бироз вақт ўтиб, Сардор аканининг қамалганидан хабар топдик. Экстремистларга қўшилиб қолган экан. Бу шумхабар ҳаммамизни довдиратиб қўйди.

Кунни кеча Сардор акани кўчада учратиб қолдим. Қилмиши туфайли оиласидан ажралгани, уйсиз қолгани ҳақида кўниб гапирди: «Уша пайтада мени нима жин урганини ҳали ҳам билмайман. Диний таълим берамиз, деса ишониб кетаверибман. Ҳақиқий илм қолиб, бузғунчи ғоялар таъсирга тушганимни англамабман. Ватан муқаддас экан, ҳамма мендан юз ўгирган бўлса-да, айбимни кечиринди, ҳатто яна ишга жойлашдим. Энди ҳаммасини бошидан бошлаяпман».

Мутахассисларнинг фикрича, террорчи ва экстремистларга эргашган кишилар одамови бўлиб, оаатда тунд киефада юради, ҳаёт қувончларига бепарво бўлиб яшайди. Шу билан бирга, асосан билими саёз, мустақил фикри йўқ

ёшлар бировнинг ортидан кўр-кўрона эргашади. Аммо тўрт йил мобайнида университетда ўқиган ақли бутун инсон бу боши берк кўчага қандай кириб қолиши мумкинлигини ўйлаб, ўйимга етолмайди. Балки унинг руҳий ҳолатига эътибор қаратиб, кўнглига қўл солганимизда, ёрдам қўлини чўзганимизда қисмати бошқача кечармики?

Жорий йил 31 июлда «Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Ҳужжатга биноан аҳоли, айниқса, ёшлар орасида ҳуқуқий тарбия ва таълимни, илмий-амалий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш, тегишли адабиётларни ишлаб чиқиш ва бу орқали аҳолининг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданиятини юксалтириб, жамиятда экстремизмга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш белгилаб қўйилган. Унга кўра ҳар бир фуқародан хушёр бўлиш, ён-атрофдагиларга бефарқ бўлмаслик талаб этилади.

Қонун кучга кирганидан сўнг юқорида белгиланган вазифалар асосида мақсадли иш олиб борилса, юртимизда Сардор ака каби адашганлар бўлмайди. Мазкур ҳужжат ён-атрофимиздаги мураккаб вазиятни ҳисобга олган ҳолда халқимиз, хусусан, эртаимиз эгаларининг онгу тафаккурини эзгу инсоний ғоялар билан қуролантириши, шубҳасиз.

Тўмарис АБЪЗАМ

ТЕЗЛИК ДАСТХАТИ



4

ОРОЛ МУАММОСИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ БЎЙИЧА МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛМОҚДА

(Бошланиши 1-саҳифада)

Мажлисада жамғарма фаолиятини такомиллаштириш, минтақадаги экологик вазиятни яхшилаш, сув ресурсларини мувофиқлаштирган ҳолда бошқариш, бу борда Марказий Осиё мамлакатларининг ҳамкорлигини мустақамлаш масалалари муҳокама этилди.

Оролни кўтариш халқаро жамғармаси 1993 йили Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон раҳбарлари ташаббуси билан Орол денгизи ҳавзасида экологик инқироз оқибатларига барҳам бериш ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилаш мақсадида тузилган. Тавсичи давлатлар унга уч йил мuddатга раислик қилади. Раислик қилувчи мамлакат раҳбари Оролни кўтариш халқаро жамғармаси Президентини этиб сайлаган. 2017 йилдан жамғармага Туркменистон раислик қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мазкур саммит жамғарманинг 2009 йилги мажлисидан сўнг қарийб ўн йилдан кейин ўтказилаётгани билан аҳамиятлидир.

Орол инқирози замонавий энг яхши экологик ҳалокатдир. Денгиз тубидан кўтарилаётган чанг йилга 80 миллион тоннага яқин туз ва зарари кимёвий моддаларни Шарқий Европадаан Ҳимолай тоғларига қолдириш халқаро ҳудудга ёётгани муаммонинг глобал тус олганидан далолат беради.

Шу нуқтаи назардан ушбу саммит етакчи молия муассасалари, халқаро ташкилотлар, чет эл донорикл компаниялари, шунингдек, бизнес ҳамжамияти эътиборини Оролбўйидаги экологик вазиятга жалб этишда муҳим аҳамиятга эга.

Ўтган даврда жамғарма доирасида минтақадаги мураккаб сув-энергетика масалаларини ҳал этиш, сув ресурсларини биргаликда бошқариш, фойдаланиш ва муҳофаза қилишда ҳамкорлик бўйича қатор ҳужжатлар имзоланди.

Хусусан, Ўзбекистон Оролбўйи минтақасида экологик вазиятни барқарорлаштириш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш бўйича кенг миқдосли лойиҳаларни амалга ошириш, 350 минг гектар майдонга саксовул ва шўрға чидамли ўсимликлар экилиб, бутазорлар барпо этилди.

Орол денгизи инқирози оқибатларини юмшатиш ва Оролбўйи ҳудудини ривожлан-

тириш бўйича 2013-2017 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури доирасида 500 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилди. Уларнинг ярмидан кўпи миллий лойиҳалардир. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2018-2021 йилларда Оролбўйи ҳудудини ривожлантириш бўйича Давлат дастури бу ерда ижтимоий-иқтисодий ҳолатни яхшилаш, экологик фалокат оқибатларини юмшатиш бўйича инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва самарали амалга оширишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Орол ҳалокатига халқаро ҳамжамият эътиборини ҳам қаратиб келмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида дунё ҳамжамиятини ушбу экологик инқироз оқибатларини бартараф этиш ва ундан жабр чекаётган аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш бўйича халқаро миқдосдаги савий-ҳаракатларни бирлаштиришга чакриди.

Ўзбекистон БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази томонидан ишлаб чиқилган Амударё ва Сирдарё сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги конвенцияни қўллаб-қувватлади. Фожиянинг бутун сайёрага дахлдорлиги инобатга олиниб, Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ шафелигида Орол денгизи ва Оролбўйи ҳудуди бўйича махсус Траст жамғармаси тузилди.

Жорий йил 7-8 июнь кунлари Тошкентда "Орол фожияси оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликдаги ҳаракатлар: янгича ёндашувлар, инновацион ечимлар ва инвестициялар" мавзусида халқаро конференция, унинг доирасида Марказий Осиё экологик форуми бўлиб ўтди.

Туркманбўшидидаги учрашува Орол инқирози оқибатларини юмшатиш, ҳудуддаги экологик ҳолатни яхшилаш бўйича Марказий Осиё мамлакатларининг ҳамкорлигини фаоллаштириш, Оролбўйи ҳудуди учун экологик тоза технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишга хорижий инвестицияларни биргаликда жалб қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Кенгайтирилган таркибдаги мажлисада Ўзбекистон, Туркменистон, Қозғистон, Қирғизистон ва Тожикистон делегациялари аъзолари, халқаро ташкилотлар ва молия муассасалари вакиллари, экология ва

сув масалалари бўйича мутахассислар қатнашди.

Мажлисада Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев нутқ сузлади.

Давлатимиз раҳбари Туркменистон раислигида тузилма фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантириш, унинг халқаро миқдосдаги нуфузини ошириш бўйича улкан ишлар қилинаётганини таъкидлади.

Қарийб ўн йиллик танаффусдан сўнг ўтаётган Оролни кўтариш халқаро жамғармаси тавсичи давлатлари раҳбарларининг бугунги тарихий мажлиси ташкилот фаолиятини янги саҳифа очди, Марказий Осиёда минтақавий шерикликка катта суръат бағишлади. Биз бу бордаги ўзаро ҳамкорликка тайёр эканлигини яна бир бор тасдиқлашимиз, деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз Оролни кўтариш халқаро жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш, ҳудудга инновацион ечимлар жорий этиш ва хорижий инвестициялар жалб қилиш, "яшил иқтисодиёт"ни ривожлантириш, илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш ва бошқа масалалар бўйича муҳим тақдирларни илгари суриди.

Мажлисада Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш масаласига беvosита боғлиқ экани, бу бордаги оқилона қарорлар ва яқин ҳамкорлик минтақа мамлакатлари фаровонлигига хизмат қилиши таъкидланди. Бу масалани ҳал қилишда минтақадаги барча мамлакатлар манфаатларини ҳисобга олиш зарурлиги, шундай ёндашувдан бошқа ечим йўқлиги алоҳида қайд этилди.

Мажлис якуни бўйича давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти қабул қилинди. Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувада ушбу саммит ўз аҳамиятига кўра нафақат жамғарма фаолиятида, балки Марказий Осиё мамлакатларининг экология ва сувдан фойдаланиш борасидаги ҳамкорлигини ривожлантиришда янги босқични бошлагани, илгари сурилган тақдир ва ташаббуслар минтақа халқлари фаровонлигини ошириш, кўп қиррали муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Матназар ЭМУРОДОВ,
ЎЗА махсус муҳбири.
Тошкент – Туркманбўши – Тошкент.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТУРКМЕНИСТОННИНГ ТУРКМАНБОШИ ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТГАН ОРОЛНИ ҚЎТҚАРИШ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАСИ ТАЪСИСЧИ ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИ КУНГАШИНИНГ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Биз умумий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда, ушбу фожия оқибатларини бартараф этиш ва Оролбўйидаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилаш, минтақани сув ва экология билан боғлиқ муаммоларига ечим топиш бўйича барча савий-ҳаракатларимизни бирлаштиришимиз лозим.

Хурматли анжуман қатнашчилари!

Ҳозирги пайтда Оролни кўтариш халқаро жамғармаси Марказий Осиёда вақт синовидан ўтган ягона минтақавий ташкилот бўлиб, мамлакатларимиз ўртасида бу бордаги ҳамкорликнинг амалий механизми бўла олади.

Биз Жамғарма фаолиятида Қирғизистон Республикаси иштироки тикланганини қўллаб-қувватлаймиз.

Аминманки, биз мазкур ташкилот доирасида минтақадаги барча мамлакатлар манфаатлари мутаносиблигини таъминлашга эришамиз, бизнинг умумий келажгимиз – ўз қўлимизда. Фақат барча минтақа давлатларининг Жамғарма фаолиятида, жумладан, Орол денгизи ҳавзасидаги мамлакатларга ёрдам кўрсатиш бўйича тўртинчи Дастурни ишлаб чиқиш ва ўзаро келишиш жараёнида тўлақонли иштирок этиши орқали биз бу бордаги умумий муаммоларни ҳал этишимиз ва тадқиқотларни бартараф этишимиз мумкин.

Шу муносабат билан биз Оролни кўтариш халқаро жамғармасининг меърият-ҳуқуқий асослари ва ташкилий тузилмасини такомиллаштириш юзасидан ҳамкорларимиз билдирган тақдирларни қўриб чиқишга тайёримиз.

Хурматли дўстлар! Шу ўринда Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Глобал экологик фонд ва бошқа ҳамкор ташкилотлар, донор давлатлар кўмағида Ўзбекистонда Оролбўйидаги экологик инқироз оқибатларини бартараф этиш бўйича олиб борилаётган савий-ҳаракатлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш зарур, деб ўйлайман.

Сўнгги бир неча йил давомида Ўзбекистон Оролбўйи ҳудудида бир қатор кенг қўламли лойиҳаларни амалга ошириди. Оролнинг қуриб қолган ҳудудида саксовул ва бошқа шўрқоқликка чидамли ўсимликлардан иборат 350 минг гектарлик бутазорлар барпо этилди. Бундай ҳудудларнинг умумий майдони ҳозирги

кунда 700 минг гектарни ташкил этмоқда.

Орол денгизи инқирози оқибатларини юмшатиш ва Оролбўйи ҳудудини ривожлантириш бўйича 2013-2017 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури доирасида 500 тадан ортиқ лойиҳа амалга оширилди. Уларнинг ярмидан кўпи миллий лойиҳалардир.

2018-2021 йилларда Оролбўйи ҳудудини ривожлантириш бўйича Давлат дастури қабул қилинди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Оролбўйи минтақаси учун **Инсон ҳавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фондини ташкил этиш борасидаги** ташаббусини илгари суриди ва бу БМТ томонидан қўллаб-қувватланди.

Бизнинг фикримизча, БМТ шафелигида иш олиб бораётган Траст фонд фаолияти ва туркман дўстларимиз тақдир асосида бугун тасдиқланадиган Орол денгизи ҳавзаси учун БМТ махсус Дастурининг амалга оширилиши бир-бирини тўлдирди.

Хурматли дўстлар! Шу йилнинг июнь ойида Тошкент шаҳрида Орол фожияси оқибатларини юмшатишга бағишлаб ўтказилган халқаро конференциянинг асосий ҳулоаса ва тавсияларини ҳисобга олган ҳолда, бизнинг назаримизда, ўзаро ҳамкорлик борасида устувор аҳамиятга эга бўлган қўйидаги йўналишларни алоҳида таъкидламоқчиман.

Биринчи. Ишончим комилки, минтақамизда нуқулдай экологик вазиятни тубдан яхшилаш учун қатъий ва ностандарт чора-тадбирлар зарур.

Шу муносабат билан **Оролбўйи ҳудудини Экологик инновация ва технологиялар зонаси**, деб эълон қилиш масаласини қўриб чиқишни тақдир этдим.

Бу ташаббус бизнинг умумий кўчимизни қўйидаги мақсадлар бўйича бирлаштиришга йўналтирилган: экологик тоза технологияларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга хорижий инвестицияларни жалб этиш учун шароит яратиш; "яшил иқтисодиёт", экологик тоза, энергия ва сув тежайдиган технологиялар тамойилларини комплекс татбиқ этиш; чўлланиш ва экологик миграциянинг давом этишига барҳам бериш; экотуризмни ривожлантириш ва бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш.

Бизнинг ташаббусларимизни ҳар томонлама муҳокама қилиш мақсадида келгуси йилда **Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва Глобал экологик фонд кўмағида махсус конференция ташкил этилишини тақдир қиламиз.**

Мазкур халқаро ташкилотлар билан Экологик инновациялар ва технологиялар зонасини ташкил этишнинг амалий масалалари бўйича музокаралар олиб бориш масаласини Жамғарма бошқарувида топшириш мумкин, деб ҳисоблаймиз. Бу жараёнда қўйидаги эътибор қаратиш мақсада мувофиқдир:

дунёдаги экологик нуқулдай минтақаларда бундай лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги тажрибаларни инобатга олган ҳолда, инновацион лойиҳаларнинг ягона руҳини шакллантириш ва уларни биргаликда тайёрлаш; бундай мақсадлар учун узоқ мuddатли имтиёзли кредит ва грантлар ажратиш.

Бундан ташқари, Оролни кўтариш халқаро жамғармаси ҳузурида юқорида қайд этилган халқаро институтларнинг ваколатхоналарини очилиши тақдир этамиз.

Иккинчи. Қўм қўқиларини мустақамлаш, Оролнинг қуриган қисмида ҳавога захарли азрозол чанглари кўтарилишини камайтириш масалалари бизнинг эътиборимиз марказида бўлиши зарур.

Шу мақсадда **чўл шароитига чидамли ва озуқа ўсимликлари кўчатларини етиштириш бўйича Минтақавий марказ ташкил қилишни тақдир этамиз.**

Бизнинг олимларимиз берган маълумотларга кўра, 10-12 йил давомида денгизнинг қуриган қисмини дарахзор ва бутазорларга айлантиришимиз мумкин.

Бундан ташқари, янги умумдор яяловлар яратишга қўрибмиш етади, бу чоравчиликни изчил ривожлантириш ва ўн минглаб одамларни иш билан таъминлаш имконини беради.

Минтақавий марказ эса эҳтиёж катта бўлган мутахассислар тайёрлаш бўйича узиға хос ноёб илмий-таълим базасига айланади.

Учинчи. Минтақамизнинг ноёб ҳайвонот дунёсини сақлаш масаласи. Бу масалада ҳам умумминтақавий ёндашув зарур.

Оролбўйи зонасида муҳофаза қилинадиган трансчегаравий табиий ҳудудлар ташкил этишини тақдир қиламиз.

Йўқолиб бораётган ҳайвонлар, жумладан, қоплон, қўлон, сайгоқ ва бошқа ноёб жониворларни сақлаб қолиш учун қўлимиздан келадиган барча ишларни ўзаро келишиб амалга оширишимиз ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

Тўртинчи. Сувни тежаш, трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш ва улардан оқилона фойдаланиш масалаларидаги минтақавий ҳамкорлик даражасини кескин ошириш лозим.

Биз Орол денгизи ҳудудидаги сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича ўзаро мақбул ҳамкорлик механизмларини ишлаб чиқиш учун барча зарур шароитларни яратишга ва Ўзбекистонда ушбу масалага бағишланган минтақавий конференция ўтказишга тайёримиз.

Ўйлаймизки, Марказий Осиёда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича минтақавий дастур қабул қилиниши мазкур конференциянинг энг муҳим натижаси бўлади.

Бешинчи. Бугунги кунда илмий кооперацияни самарали ривожлантиришда олимлардан турган муаммолар ечимини таъминлашнинг илоҳий йўқ.

Шу муносабат билан биргаликдаги фанлараро тадқиқотларни ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз. Жумладан, Давлатлараро мувофиқлаштирувчи сув ҳўжамли комиссияси ва Давлатлараро барқарор ривожланиш комиссиясининг илмий-ахборот марказлари негизида бундай тадқиқотлар олиб бориш мумкин.

Хурматли давлат раҳбарлари! Аминманки, бугун илгари сурилган ташаббуслар асосида "йўл харитаси" ишлаб чиқишимиз ва унинг ижросини амалий жиҳатдан назоратга олишни Жамғарма бошқарувида топширишимиз мумкин.

Халқларимизнинг табиатга унинг бойликларини асраб-авайлаган ҳолда муносабатда бўлиш ва умумий сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш борасидаги кўп асрлик анъаналарига суянган ҳолда биз ҳақиқатдан ҳам улкан натижаларга эришамиз, деб ишонаман.

Сурибнинг якунида хурматли Туркманбўши Маликүмиевичга Оролни кўтариш халқаро жамғармаси саммитини муваффақиятли ўтказишга қўшган катта ҳиссаси учун яна бир бор миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Эътиборингиз учун раҳмат!

МЕДАЛЛАР 21 ТА БЎЛДИ

Ҳасан УСМОНОВ

Индонезияда бўлиб ўтаётган XVIII Осиё ўйинлари ўзининг қизгин палласига кириб бормоқда. Нуфузли спорт анжуманида вакилларимиз юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда.

Кўни кеча спортчимиз Никита Рафалович (таъжвондо) финалда Жанубий Корея терма жамоаси аъзоси Хва Жун Линни мағлубиятга учратиб, чемпионликка эришди. Яна бир ҳамюртимиз Мазина Маннопова эса, ҳал қилувчи

бахсада япониялик рақибасига имкониятини бой бериб, кумуш медални кўлга киритди. Маҳоратли оғир атлетикачимиз Достон Ёқубов ҳам 331 кг натижани қайд этиб, кумуш медал эгасига айланди. Шунингдек, юнон-рум



курашида Мўминжон Абдуллаев финалда қозғистонлик рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмади.

Бунаан ташқари, академик эшакка эшишда спортчиларимиз — Шаҳоб Абдуҷабборов ва Шаҳоб Холмураев олтин, Сардор Тўқичкушев ва Алишер Турдиев кумуш, жамоавий бахсарда эса, Исламбек Мамабнетзаров, Отамурод Раҳимов, Шехроз

Ҳақимов ҳамда Зафар Усмонов қавратти бронза медал билан тақдирланди.

Афсонавий спортчи, маҳорати гимнастикчимиз 43 ёшли Оксана Чусовитина таяниб сакраш машқларида иккинчи натижани қайд этиб, кумуш медалга сазовор бўлди. Велоспортчимиз Мурод Холмуродов шоссэ йўналишида мусобақани иккинчи ўрин билан яқунлади.

Футболчиларимиз нимчорак финалда Гонконг терма жамоаси устидан 3:0 ҳисобда зафар қучиб, чорак финалда Жанубий Корея термасига қарши майдонга тушаётган бўлди. Осиё ўйинлари давом этмоқда.

ЎЗЛИГИНГНИ УНУТМА!

Шерзод МАҲМУДОВ

Ишдан кеч қайтаман. Баъзида тун ярмидан оққан, шаҳар сукунатга чўмган бўлади. Уйгача пиёда борарканман, кўчаларда тинимсиз ўтиб турган, авваллари кўзим тушмаган машиналар диққатимни тортиди. Қўриқлаш хизмати вакилларини кузата туриб, хаёлга чўмдим. Ўтаётган ойда юз берган воқеалар инсонни беихтиёр ўйлантириб қўйди.

Ўзбек деганда отасининг юзига тик қарамайдиган ўғил, меҳнатқаш онасини тарбиясини олган қиз, ғурурли, андишаи, сабр-тоқатли, заҳматқаш хақ кўз олдимида гавадланади. Бироқ аяни дамида она ўз қизини эгри йўлга бошлагани, хориж ареналарида Ватанимиз байрогини юксакларга кўтарган спортчимиз тунги клубда пичоқдангани, кексаларни эъюз қилдиган жамиятда набарсига қилган насихати учун бир нуруний ўлдирилганини эшитиб, ёқа ушлайсан қўйи.

Нега ундай? Шунчалар ваҳшийлашиб кетяпмизми? Ёки маънавий қашоқ, инсон қийматини паст баҳолайдиганлар тоифасига тушиб қолдикми? Қаерда адашдик? Хатомиз нима? Мушоҳада этиб кўрсак, юрагимизга наштаарек ботувчи оғриқчи саволлар бисёр.

Биз, ўзбекларда инсон қадар-қиймат, унинг шаъни азал-азаладан улуғланган. Бировнинг моли-жонига кўз олайтирмасдик, ор-номус туйғулари баланд бўлган. Аммо бугун теварак-атрофимизда лоқай, арзимас бир воқеа, сабабини баҳона қилиб, худкушликка бораётган, у хоҳ мусулмон, хоҳ насроний бўлсин, кимларгадир тақдир қилаётган юртдошларимиз, афсуски, қўлайиб бормоқда.

Муқаддас Қурьонни Қаримда Аллоҳ таоло инъом этган ҳаётини инсониятнинг ўзи томонидан олинини қаттиқ қораланади. "Ким бир мўминини қасдан ўлдирса, жазоси жаҳаннамдир. Унда абадлик қолур. Унга Аллоҳнинг ғазаби ва аъвати ёғилур. Ва Аллоҳ унга улкан азобни тайёрлагандир". (Нисо сураси, 93-оят).

Сир эмас, одамзодининг биринчи жинояти Қобил биродари Ҳобилни ўлдирishi билан бошланган эди. Мана неча мин йиллар ўтибдики, жиноят деб атал-

миш боло инсониятнинг пешонасидаги тамга бўлиб қолмоқда.

Маълумотларга кўра, жорий йилнинг олти ойи мобайнида мамлакатимизда 277 та қотиллик содир этилган. Рақамлар бизни чўчкитиб юбориши табий. Бир жиноят бошқа бир жиноятларни келтириб чиқаради. Зеро, "қасалин яширсанг, иситмаси ошкор қилади". Юнусовод туманидаги "August 898" тунги клуби воқеасидан сўнг Давлат солиқ қўмитаси вакиллари тунги клублар фойданни яшириши хусусида маълумот тарқатади. Хўш, шу пайтгача солиқ идоралари мутасаддилари ахлоқсизлик, динёнатсизликни тарғиб қилувчи масканларида юз берадиган бундай "ўйин"лардан воқиф эмасдими? Ёки солиқ тушумлари, даромадларни беркитиш орқидики кимдир эҳтимол, кимларнингдир "улуш"и, хизмати бормиди?

Мана неча мин йиллар ўтибдики, жиноят деб атал-

миш боло инсониятнинг пешонасидаги тамга бўлиб қолмоқда.

Мана неча мин йиллар ўтибдики, жиноят деб атал-

"YOSHLAR — KELAJAGIMIZ" DAVLAT DASTURI AMALDA

19 МИНГ ЛОЙИҲА ВА 710 МИЛЛИАРД СЎМ

Ш. ЭРКИНОВ

Пойтахтимизда "Yoshlar — kelajagimiz" жамғармаси фаолияти юзасидан матбуот анжумани ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Банкик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, тижорат банклари вакиллари, журналистлар ва ёшлар иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон ёшлар иттифогини Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари — жамғарма ижрочи директори Бунёбек Баҳромбеков сўз олиб, таш-

килот томонидан ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар, истиқболдаги режалар ҳақида маълумот берди. Таъкидланганидек, жойлардаги ўргангилар асосида



тузилган манзилли рўйхатга асосан жорий йилда 19 мингдан зиёд лойиҳа учун тижорат банклари томонидан 710 миллиард сўм маблағ ажратилди. Шунингдек, ҳудудларда 14 та коворкинг маркази ҳамда 33 та "Ёшлар меҳнат гузарни" қури-

лиши кўзда тутилган. Анжуманда "Yoshlar — kelajagimiz" жамғармаси ҳамда тижорат банклари билан боғлиқ ишларни муҳокама қилди. Яқинда иштирокчилар уларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олди.



DUNYO BIZ HAQIMIZDA



ХИТОЙЛИК МУТАХАССИСЛАР ТИЛИДАМИЗ

Демократик ва инновацион тараққиёт йўлида бораётган Ўзбекистон илғор хорижий тажрибани ўрганишда давом этмоқда. Шу асосда ислохотлар жараёнини тўғри ўзанига солишга интиляпмиз. Юртимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришларга дунё жамоатчилиги ҳам бефарқ эмас. Буни халқаро экспертларнинг оммавий ахборот воситалари орқали билдираётган фикр ва муносабатлари ҳам тасдиқлайди. Бу сафар хитойлик мутахассисларнинг мулоҳазаларини жамладик.

Шимолий Хитой технология университетининг халқаро идораси директори ўринбосари **Хю Мей** парламент ваколатларини кенгайтириш зарурати ҳусусида сўз юритар экан, Ўзбекистондаги демократик ислохотлар ҳамда мамлакатни модернизациялаш жараёнида Олий Мажлиснинг ўрнини, шунингдек, сиёсий партиялар таъсирини янада кучайтириш масалалари 2017 йил февраль ойида Президент фармони билан тасдиқланган "2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"да устувор вазифа сифатида белгиланганини қайд этди.

"Ўзбекистонда парламентни изчил, узлуksиз ва тадрижий ривожлантириш, унинг давлат ҳамда жамият қурилиши соҳасидаги ролини оширишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилганидан яхши хабардорман, — дейди Хю Мей. — Мамлакатда парламент назоратининг янги шакл ва механизмларини жорий қилиш, сиёсий партиялар фаоллашуви, қонун ижодкорлиги жараёнида фуқаролар ва фуқаролик жамияти институт-

ларнинг иштирокини янада кенгайтириш муҳимлиги тўғрисидаги стратегияни қўллаб-қувватлайман".

"Ипак йўли" халқаро савдо палатасининг ташкилот аъзолари билан алоқада бўлими директори ўринбосари **Ванг Ингчун** жорий йил май ойида Тошкент шаҳридаги Инха университетида бўлиб ўтган ахборот-коммуникация технологиялари ва инновациялар бўйича сармовий саммит юзасидан фикрлари билан ўртоқлашиб, тадбирда муҳокама этилган АКТ тармоғини тубдан такомиллаштириш бўйича 2018 – 2019 йилларга мўлжалланган "Йўл харитаси"нинг муҳим бандлари, соҳани ривожлантириш истиқболлари ва муаммолари билан бирга, бу йўналишда таълим бериш ҳамда давлат ва бизнеснинг ўзаро ҳамкорлигига алоқадор масалалар шахсан ўзида алоҳида қизиқиш уйғотганини айтиди.

Мутахассиснинг таъкидлашича, айти замонада бошқа соҳалар сингари бизнес тараққиётини ҳам ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ўзбекистоннинг бу йўналишда олиб бораётган сиёсати шундан далолат берадики, мамлакат АКТ ва инновацияларни ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда. 2018 йил республикада "Фаол тадбиркорлик, инновацион фойлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили", деб эълон қилинган ҳам бежиз эмас.

"Фикримча, бу жуада тўғри йўл, — давом этди Ванг Ингчун. — Чунки бугунги кунда ҳар қайси мамлакатнинг истиқболлини ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион янгиланишлар белгилаб бермоқда".

САЙЁҲЛАР ФИЛЬМ ОРҚАЛИ ЎЗБЕКISTONНИ ТАНИДИ

Хитойнинг Цзянсу провинцияси телерадиокомпанияси "Ўзбекистон — кўҳна цивилизация, бой тарих ва маданиятга эга мамлакат" номли ҳужжатли фильмини намойиш этди. Унда ўзбек халқининг бой тарихи, маданияти, Ўзбекистоннинг улкан сайёҳлик салоҳияти ҳамда замонавий ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади.

Фильм мамлакатимиз элчионаси томонидан телерадиокомпанияга тақдим этилган видеоматериаллар асосида тайёрланган. Шу асосда хитойликларга ҳужжатли фильмда Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива сингари тарихий шаҳарлар, улардаги бетакрор меъморий обидалар, қолаверса, халқимизнинг ўзига хос урф-одат ва анъаналари ҳақида атрафлича маълумот берилган.

Ҳужжатли картина шариф шаҳар — Бухоро таърифи билан бошланади. "Мамлакат ҳудудида жойлашган кўҳна ва эртакмондан Бухоро ўзининг гузаллиги билан хорижий саёҳатчиларни ҳамон ҳайратга солиб келмоқда. Айтишларича, бу шаҳарда Шарқ сеҳри мужассам", — дейди хитойлик журналист. Ҳужжатли фильмда Бухоронинг барча диққатга сазовор масканлари ўз аксини топган.

Цзянсу телерадиокомпанияси ўз томошбинларини кўҳна Хива билан ҳам яқиндан таништиради. "Очиқ осмон остидаги музей-шаҳар. Хорижий саёҳатчилар Хивани ана шундай

таърифлайди. Бу дунёнинг бутун шаҳар ҳолатида сақланиб қолган ноёб ғўшадир", — дейилади кадр орталади.

Фильм ижодкорлари Хоразмнинг Буюк ипак йўлидаги халқаро савдо маркази бўлгани, Хива эса, унинг том маънодаги муҳим нуқтаси саналганини алоҳида қайд этди. Томошбинларни мамлакатимизнинг бош кенти — азим Тошкент билан таништирар экан, телерадиокомпания бу шаҳарда жойлашган тарихий меъморий обидалар ва замонавий бинолар ўртасида ажойиб уйғунлик мавжудлигини алоҳида таъкидлайди. Мегаполисдаги гавжум бозорлардан биринчи шарқона манзаралар лавҳалари ҳам хитойликларда катта қизиқиш уйғотиши тайин.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу ҳужжатли фильм Нанкин шаҳри марказидаги баланд бино ва иншоотлар деворларига ўрнатилган билбордлар орқали ҳам узлуksиз намойиш этилади. Бундан ташқари, Хитой йўлаш телевиденисининг барча каналлари орқали томошбинлар эътиборига ҳавола қилинган, қолаверса, Хитойдаги ўндан ортиқ ижтимоий тармоқларга ҳам тарқатилди. Бу, ўз навбатида, Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида яшовчи ва хитой тилида сўзлашадиган аҳолига ҳам ушбу медиамаҳсулот билан танишиш имконини яратди.

"Дунё" АА материаллари асосида тайёрланди.

АСНЧИҚТОШ

Наргиза УМАРОВА

Бир йигитни танийман.
Талабалигимда таҳририятга мақола олиб келиб турарди. Ёзганларида мантиқ бўлмаса ҳам, сохта мулозамат қилиб, ишини битиришга уста эди. Бўлгуси ҳуқуқшунос, тагин. Ҳалитдан мулойим-ҳалимлиққа одатлангани, ҳаддан зиёд хушомадгўйлиги роса гашимни келтирган. Вақт ўтгани сайин бундай ёшлар жамиятимизда оз эмаслиги, ҳатто бутун бошли бир тоифани ташкил қилишини англадим.

Ҳалигача орамизда ўзи ношуу талаблари осмон, ҳадеб ҳуқуқини пешлайдиган, аммо бурч ҳақида буткул унутиб юборган (эшитишни ҳам хоҳламайдиган!), жайдари қилиб айтганда, берсанг ейман, урсанг ўламан, дейдиган йигит-қизларнинг борлиги юрагимни ғаш қилади. Аниқ биламан — улардан давлатга ҳам, жамиятга ҳам заррача наф йўқ. Боқимандалик кайфиятини вирус мисоли атрофдагиларга юқтирган, битта муаммони иккита қилгани қолади, холос.

Яқинда ўша сермулозамат талабани учратдим. Дарвоқе, у аллақачон ўқишни тамомлаб, қадрдон университетига ишга жойлашибди. Шериги билан қизгин сўхбатлашиб кетаётган экан. Маълум масофагача йўлимиз ажралмади. Орқадан келаётиб ҳамроҳларни зимдан кузата бошладим.

— Ие, Акбаршоҳ саломатимсан?! Сира ўзгармабсан-а, ошна. Қаердасан, нималар қилиб юрибсан?

Магистратурадан кейин университетда қолдим. Ҳозир дарс бераман.

— Қўйсан-чи, сенга шу зарурми?! Асабингни бузганинг қолади...

— Қўявер, дўстим, қимирлаб турайлик-чи. Кўзга кўринсам, бирон мукофотга лойиқ топишар...

Мана шу жойда мен учун сўхбат тақа-тақ бўлинди. Эзгу ният ва ҳаракатлари билан бошқаларга ибрат кўрсатиш ўрнига, нуқул тили-жағи билан "иш битириб" юрадиган Акбаршоҳга нафратим юз чандон ошди. Ўсиб келаётганларга ҳалолиғи эътиқоддан таълим бериб, комилликка етаклаши керак бўлган "устоз"нинг ўзи боқиманда, амалпарасту шухратпараст бўлганидан кейин, шогирдларидан нима ҳам кутиш мумкин?!

Шу уринда жиддий ва мулоҳазабон мавзу очилади: давлат, давлат раҳбари, содадил халқимиз ўзи учун таянч, мамлакат истиқболлини белгилашга қодир етакчи куч дея қабул қилаётган ёшларимиз бу ҳолату кайфияти билан шунча орзу-умидларни пучга чиқариб қўймасмикан? Учуман олганда, бугунги Акбаршоҳлар билан қанчалик узоққа, муҳими, қаергача етиб бора оламиз?

Ёшлар масаласига эътибор ҳар доимгидан-да кучайган,

Ривожланишни хоҳлаймизми, марҳамат қилиб ўз-ўзимизни алдаш, оёқдан чалиб, чоҳга иргитишни бас қилайлик!

эртаимиз эгаларига янгидан-янги имкониятлар, имтиёзлар тақдим этилаётган ("Yoshlar — kelajagimiz") Давлат дастурининг ўзи қанчалик шиддаткор ҳаракатга айланганини эслаш кифоя) бир пайтада юқоридаги

БОШИ ҚОТГАН АВЛОД

Нега фарзандларимизга маънавий ориентир бера олмаяпмиз?



саволларни қўндаланг қўйиш ва шу орқали кенг жамоатчиликда ёшларнинг салоҳиятига нисбатан пессимистик муносабатни шакллантириш, таъбир жоиз бўлса, етакчи кўннинг етакчилик фактини шубҳа остига қўйиш галати туюлади. Тўғри, галати. Аммо

Бола ижтимоий ҳаётда олиш эмас, бериш устувор аҳамият касб этишини, жамиятдаги фаровонлик айнан берувчилар ҳисобига таъминланишини англаши зарур. Бундан чиқди, мансабу мартабага ҳам, турли-туман мукофотларга ҳам фақат меҳнат, ҳалол рақобат эвазига эришилади.

айни паллада ҳақиқатга тик боқиб муҳимроқ! Камчиликларимиз борлигини рўй-роқ тан олиб, ўнгаланишга ҳаракат қилмаганимизча маррани ҳар қанча баланд олмайлик, мақсад сароблигича қолаверса: ё йўналишни йўқотиб, адашамиз ёки кўпга бормай муваффақиятсизликка учраймиз. Тамом-вассалом!!!

Уйлашимизча, бундай сценарий ҳеч ким, ҳатто мен талабалик йилларидан таниган ўша хушомадгўйга ҳам маъқул эмас. Ривожланишни хоҳлаймизми, марҳамат қилиб ўз-ўзимизни алдаш, оёқдан чалиб, чоҳга иргитишни бас қилайлик! Ҳар қайси соҳа ва тармоқда бошқарув эшелонини халқ дардини бир тийинга олмайдиган, фақат алдов йўли билан бойиб кетиш гаммида юрган амалпарастлар эмас, балки адолатпешалар — илму эътиқоди мустаҳкам, имони бутун, умумий манфаатни биринчи даражага қўядиган Ватанига содиқ шахслар тўлдирши керак. Жамиятда эса, зиёлилар қатламининг улуши ҳам, қадр-қиммати ҳам,

орзулаган бошқарув тизими ва жамият тутумига ниманинг эвазига эришиш мумкин? Жавоб битта: тарбия эвазига. Гап шахс тарбияси ҳақида бормоқда. Англаганингиздек, бу жараён ҳам оиладан бошланади.

Бола ўсиб-ўлғайиб, мустақил шахсга айлангунча ижтимоий ҳаётда олиш эмас, бериш устувор аҳамият касб этишини, жамиятдаги фаровонлик айнан берувчилар ҳисобига таъминланишини англаши зарур. Бундан чиқди, мансабу мартабага ҳам, турли-туман мукофотларга ҳам фақат меҳнат, ҳалол рақобат

Умр бўйи мактабда ишлаб, ақали мундай-роқ машина олиб минолмаган ўқитувчи, таассуфки, бугуннинг боласи учун ҳавас қиладиган шахс эмас.

эвазига эришилади. Билиминг билан институтга кирсанг, ўқиб-изланишдан толмай, касб эгалласанг, меҳнатсеварлигинг туфайли яхши ишга жойлашсанг, кейин поғона-поғона лавозимда кўтарилсанг, алал-оқибат, кўпнинг ҳурмату эътирофига сазовор бўлишинг аниқ. Ана ундан кейин омад ўзи сени қидириб келади. Рағбатга ҳам эришсан, раҳматни ҳам эшитсан. Ҳўш, унда муаммо нимада? Нега айрим ёшларимиз (бахтга қарши, уларнинг сони кўпайишда давом этмоқда) ишламай тишлашни, ўқимай диплом олишни, мойли жой-

ларни банд этиб, бирпасла бойиб кетишни истайди? Нега улар зиёда бўлишдан кўра машҳур инсонга айланишни афзал кўрмоқда? Нега қалбига қувват берувчи маърифат гўшаларига интилмайди-ю, бироқ гўё "кўнгил ёзиш"га хизмат қиладиган тунги клублардек жаҳолат масканларидан бери келгиси йўқ?

Гап ёшларда эмас, азизлар. Гап тарбияда! Фарзандларимизга ширин егуликлар, янги кийим-кечаклар, зўр-зўр смартфон планшетлар сотиб оламиз. Аммо маънавий ориентир бера олаётганимиз йўқ-ку! Улар кимга тенглаш-

син, қайси тоифани ўзига эталон, деб билсин? Ҳалол ва меҳнаткаш одамлариники? Э йўқ, кечириб қўйибсиз! Умр бўйи мактабда ишлаб, ақали мундайроқ машина олиб минолмаган ўқитувчи,

таассуфки, бугуннинг боласи учун ҳавас қиладиган шахс эмас. Ундан кўра, икки-уч йил савдо-сотик билан шуғулланиб ёки чет элда қора терга ботиб, жарак-жарак пул топгани афзал. Ҳарна, тўқинроқ яшайди. Бундан мамлакат заррача наф кўрмаса ҳам майли. Хоҳлаймизми-йўқми, аммо ҳозирги наврсталарнинг ҳар иккисидан биттаси худди шу фикрда.

Ниҳоят, муаммонинг илдизига ҳам етиб келдик. Эсини таниганидан буён ота-онанинг хатти-ҳаракати сўз-муомаласидан, аввало, ўзингни ўйла, бошқалар эса, иккинчи даражали қабилдаги мантиқни ўқиб келаётган ўғил ёки қиз, сўзсиз, ҳаётга эгонистик қараш, яъни ҳар нарсани шахсий манфаатларимга бўйсундиришим керак, деган мутлақо янглиш фикр билан жамият ичига кира бошлайди. Бундай шахсининг қадриятлар тизимида хокисорлик, ҳалоллик, адолатпарварлик каби инсонни улғувчи тушунчалар ўрнини худбинлик, ориентсизлик ҳамда беандишалликка бўшатиб берган. Шу боис тенгдошларимиз лойиқ-нолоийқлигидан қатъи назар, катта мансаблар, давлат мукофотлари имтиёзларни кўлга киритишга интилоқда. Илоҳи бўлса, ҳаммасига бирдангина эришса-ю, нафси ором оلسа.

Охириги йилларда ёшларга оид давлат сиёсати доирасида амалга оширилган улкан ишлар сисилмасида, айникса, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилганидан кейин яратиб берилган мисасиз имкониятлар фониди баркамол шахс тарбиясидаги нуноқликлар янаям яққол намоён бўла бошлади. Давлатимиз ёшларни бошига чиқариб қўйган (ижобий маънода, албатта). Баъзи ҳолларда моддий рағбат ва кўмак маънавийсидан ошиб тушмоқда. Эътироз йўқ — эҳтимол, давр талабидир, эҳтимол, шу усул самаралироқдир. Айни дамда бизни бошқа масала хавотирга солмоқда: қадриятлар тизимидаги издан чиққан бугунларни жой-жойига қайтарга олармиканми? Нима бўлганда ҳам, қайтарши керак! Бу эса, давлатдан кўра, кўпроқ сизу бизнинг хоҳиш-иродаимизга боғлиқ.

